

1907508643 - СОН
МОБИЛ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари, яқка тартибдаги тadbиркор ва кoнун хужжатларига кўра, юридик шахслар ташкил этмасдан фаолият юритувчи фуқаролик-хуқуқий муносабатларнинг бошқа иштирокчилари) учун

ш.

19.01.2022 йили

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда матнда – Компания деб юритилади) номидан 30.12.2021 йилда №27-01-14/6020 - сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг “ЎзМобайл” филиали директори С.С. Фахруллоев бундан буён “Оператор” деб номланувчи, бир томондан ва “QARSHI MAGISTRAL KANALIDAN FOYDALANISH BOSHQARMAS” номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи RAJABOV LAZIZ BOBONAZAROVICH, бундан буён “Абонент” деб номланувчи, иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда матнда – Шартнома деб юритилади) куйидагилар ҳақида туздилар:

1.Шартнома предмети

1.1.Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг www.uztelecom.uz расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўла танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан мобил алоқа хизматларини кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан кўрсатиладиган мобил алоқа хизматлари учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) хисобланади.

1.2.Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан такдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3.Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури доирасида амалга оширилади.

2.Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1.Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2.Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3.Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишда умумэтироф этилган маданиятга имло килинган ҳолда, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3.Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1.Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида Хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари таъбиқ этилади ва ойлик ҳисоб 100 (юз) фоиз миқдоридан олдиндан тўланади.

3.2.Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор Хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3.Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк кўрсатилган мобайлнинг асосида амалга оширилади.

3.3.1.Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (юз) фоиз миқдоридан олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида амалга оширилиши мумкин.

3.4.Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 750 000 (септин юз эллик минг) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма 250 000 (икки юз эллик минг) сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда 500 000 (беш юз эллик минг) сўм миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1.Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/такдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5.Абонент кейинги ҳисоб-китоб даври (ҳисобот ойи) бошлангунга қалар олдиндан тўловнинг 100 (юз) фоиз шarti билан ҳар ойда Хизматлар учун тўловни амалга оширади. Ушбу тўлов Шартноманинг 8-моддасида кўрсатилган Операторнинг шахсий ҳисоб рақамларига пул маблағларини кўрсатилган хизматлар ҳисобига олган ҳолда, танланган ҳажм ва тарифлар/тариф режаларига мувофиқ ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.6.Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатади.

3.7.Оператор томонидан уланган ва такдим этилган Хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентта ушбу Хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1.Агар Абонент Оператор Хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блоқировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта коидалари билан тартибга солинади.

3.8.Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга такдим этилган барча маблағлар-факат Оператор Хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9.Оператор томонидан тақдим этилган Хизматлар, Шартномага мувофиқ Хизмат учун асосида расмийлаштирилган ҳисоб-фактура билан ёпилади. ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1.Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу Хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва Хизматлар тегишли тарзда кўрсатилади ва деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланганлиги тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилган Хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10.Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси сабабидан бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга Хизматларнинг фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4.Томонлар жавобгарлиги

4.1.Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларнинг нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5.Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1.Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига яроқли қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2.Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6.Алоҳида шартлар

6.1.Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2.Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатлар ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3.Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўриб чиқилган (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7.Яқуний Қоидалар

7.1.Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2.Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20___ йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таъбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1.Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20___ йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2.Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3.Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5.Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6.Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (ҳар бир Томон учун битта нусхалаб берилган).

8.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

Оператор:


“Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиали
Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдор шох кучаси, 8 уй
СТИР: 203366731
МФО: 00401
ИФУТ: 61100
Х/р: 20210000404074838035
АТБ “Алоқабанк”
Тел.: 998367757, 998367767
e-mail: corporate@uzmobile.uz

Абонент:

Мижоз: "QARSHI MAGISTRAL KANALIDAN FOYDALANISH BOSHQARMASI"
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, Талимаржон
Банковские реквизиты: 100021860102357042402170001
МФО: 00014, Г.ТАШКЕНТ, РКЦ ГЛ.ГОР.УПРАВЛЕНИЯ ЦБ
ИНН:201122919
ИНН: 201284923

М.Ў.

Imzo:



М.Ў.

Imzo:



[Handwritten signature]

[Handwritten signature]

[Handwritten signature]